



Савол:

«Уйланиш қандай амал?» у кимлар учун ва қандай ҳоллатларда қандай мавкёга эга бўлади? Янги уйланган одам жуфти ҳалолани қанча муҳлатга ташлаб сафарга чиқиши мумкин.

Жавоб:

Уйланиш одамларнинг ҳолига қараб ҳар хил бўлади. Кимгадир фарз, кимгадир суннат, кимгадир мустаҳаб ва кимгадир эса ҳаром.

Шахватини тута олмайдиган, уйланишга қодир киши ҳаромга тушиб қолмаслиги учун уйланиши фарз.

Умумий одамлар учун уйланиш суннат бу ҳар бир пайгамбарнинг, шунингдек пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам суннатлари ва ул Зот бизни уйланишга тарғиб қилганлар. "...Бола қўрадиган аёлга уйланишлар қиёмат кунида сизларнинг қўплигингиз билан фахрланаман" дедилар. Бошқа бир ҳадисда қучи етган йигитларни дарҳол уйланишга, иложиси йўқларни рўза тутишга буюрдилар.

Баъзи бир инсонлар ўзларида аёлларга нисбатан майлни ҳис қилмасалар ёки умматга хизмат учун қаттиқ бел боғлаган бўлсалар ва агар уйланиш унинг ишига тўғанок бўлса, бу қабилар исломга хизматни деб уйланмасалар уларни маломат қилинмайди.

Аммо уйлангандан кейин оиласини боқишга оғирлик қилишини, уни жимо қилишга қодир эмаслигини билган ёки зиммасида оиласига нисбатан бажариши фарз бўлган амаллардар бирортасини қилишга



кодир бўлмайдиган кишининг уйланиши харом. Факат у ўз холини баён килса ва аёл шунга кўнса бўлади.

Аёлларнинг сабри хам хар хил бўлади. Баъзи аёллар эрсиз йиллар яшаши мумкин, баъзилари эса бир хафта хам яшай олмайди. Шунинг учун хар бир эр ўз жуфтининг холини яхши ўрганиши ва шунга кўра уни тарк килиши керак. Умар розияллоху анху эркаклар 4 ойдан ортик аёлларидан узок бўлмасликка буюрганлар. Шунга кўра ўртача 4 ой узоги 6 ой узокда бўлиши мумкин. Агар эр-хотин келишиб олган бўлсалар бундан ортигрок муддат хам бўлади. Валлоху аълам.